

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОНҚУЛОВ ҒОФУР БОБОҚУЛОВИЧ

**ОПТИК БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН МУҲИТДАГИ ЎЛЧАШЛАРДА
ЛАЗЕРЛИ ГЕТЕРОДИНЛАШ ВА КОРРЕЛЯЦИОН ҚАЙТА ИШЛАШ**

**01.04.11 – Лазер физикаси
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

Эшонкулов Гофур Бобокулович

Оптик бир жинсли бўлмаган мухитдаги ўлчашларда лазерли
гетеродинлаш ва корреляцион қайта ишлаш..... 3

Эшонкулов Гофур Бобокулович

Лазерное гетеродинирование и корреляционная обработка при
измерениях в оптически неоднородной среде..... 21

Eshonqulov Gofur

Laser heterodyning and correlation processing in measurements in optical
inhomogeneous media..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОНҚУЛОВ ҒОФУР БОБОҚУЛОВИЧ

**ОПТИК БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН МУҲИТДАГИ ЎЛЧАШЛАРДА
ЛАЗЕРЛИ ГЕТЕРОДИНЛАШ ВА КОРРЕЛЯЦИОН ҚАЙТА ИШЛАШ**

**01.04.11 – Лазер физикаси
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1PhD/FM93 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университети Физика факультетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (fti.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Вильданов Рамиль Рифгатович

физика-математика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Усмонов Тимурбек Бекмурадович

физика-математика фанлари доктори, академик

Семенов Денис Иванович

физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: info.fti@uzsci.net).

Диссертация билан Физика-техника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент ш., Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй, Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

С.А. Бахрамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

А.В. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

С.С. Қурбонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида жадал ривожланаётган лазер физикаси соҳасида оптик бир жинсли бўлмаган муҳит шароитида юқори ажрата олишли оптик диагностика ва дистанцион зондлаш масалалари муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу йўналишда муҳитларнинг физик параметрлари ҳамда зондланаётган объектларнинг характеристикаларини аниқлаш имкониятини берувчи лазерли гетеродинлаш ва корреляцион қайта ишлаш методлари муҳим илмий инструмент ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда ушбу методларга асосланган лазерли системалар деформографияда, сочилган ёруғлик спектрометриясида, микроструктурали тадқиқотларда, атмосфера оптикасида, сейсмометрияда, кимёда, биологияда, тиббиётда ва бошқа соҳаларда қўлланилмоқда. Шу билан биргаликда лазерли гетеродинлаш асосида фазаметрик ва корреляцион ўлчашлар методологиясини ривожлантириш; частота бўйича синхронлаштирилган лазерли гетеродинли система ва фотон-корреляцион спектрометри ўлчов системасини ишлаб чиқиш; турбулент атмосферанинг ва дисперс муҳитларнинг оптик параметрларини ҳисобга олган ҳолда детекторлаш эффективлигини ҳисоблаш каби йўналишлардаги мақсадли тадқиқотлар муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва иновация ютуқларини амалиётга жорий қилиш самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, истиқболли технологияларни илмий ва техника соҳасига татбиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қатарилмоқда. Бу жараён “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили”да амалга оширилаётганлиги ҳамда замон талабларига жавоб берадиган илмий натижаларни олишга қартилганлиги билан алоҳида эътиборга сазовор. Бу борада, диагностик системаларни ишлаб чиқишнинг янги принципларини ҳамда атроф муҳитни мониторинг қилишдан ахборотни оптик узатишгача бўлган вазифаларни ўз ичига олган диагностика ва локация масалаларини ҳал этишда эффектив қўллаш мумкин бўлган, ўзининг максимал характеристикаларига эриша оладиган фазасезгир ва спектрометрик ўлчаш методларини яратиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга қўллашни рағбатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «Ўзбекистон Республикаси саноатининг 2011-2015 йилларда ривожланиш истиқболлари тўғрисида»ги, 2017 йил 17 декабрдаги ПҚ-2789 сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

ҳуқукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг қуйидаги Давлат дастурларига мувофиқ бажарилган:

ГНТП-13-республика иқтисодиёти соҳаларида илмий-интенсив технологиялар, қурилмалар, асбоблар, ўлчашнинг эталон восита ва методларини яратиш, таҳлил ва назорат, метрология масалалари, стандартлаштириш ва сертификатлаш;

НТП-15-республика иқтисодиёти соҳалари учун юқори самарали илмий-интенсив, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган технологиялар, машиналар ва қурилмалар, асбоблар, ўлчашнинг эталон восита, методлари ва назоратини яратиш;

ППИ-3-энергетика, энергия ресурсларини тежаш, транспорт, машина ва асбобсозлик: замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозлик ва мехатрониканинг ривожланиши.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экспериментал тадқиқотлар амалиёти лазерли гетеродинлаш методларининг функционал имкониятлари билан физик тадқиқотларда кенг қўламдаги фазаметрик ва спектрометрик ўлчашларни амалга ошириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Ушбу методларнинг назарий асослари А.Т.Forrester, Н.З.Cummins, D.P.Dave, В.В.Протопопов томонидан яратилган. Лазерли гетеродинли системаларни ишлаб чиқиш билан С.Н.Багаев, В.А.Орлов, К.Ishii, В.Wang, М.Н.Дубров каби олимлар иштирокида етакчи илмий тадқиқот институтлари шуғулланишмоқда. Бу методни қўллаган ҳолда турбулент атмосферанинг оптик параметрларини назарий ва экспериментал равишда В.Е.Зуев, В.А.Банах, В.В.Покасов, Р.А.Казарянлар тадқиқ қилишган. Оптик аралаштириш спектроскопияси принципларини ривожлантириш W.Demtröder, E.Jakeman, E.R.Pike, B.Chu, A.B.Ломакинлар тадқиқотларида келтирилган бўлиб, уни сигналларни корреляцион қайта ишлаш билан бирлаштириш ўта юқори спектрал ажрата олишга эришишда сифат жиҳатдан янги имкониятларни тақдим этади.

Бу имкониятларни амалга ошириш зондлаш, фотоқабул қилиш ва қайд қилинган сигналларни қайта ишлаш методларини янада ривожлантиришни талаб этади. Бу йўналиш бўйича мамлакатимизда А.Т.Мирзаев, А.Н.Якубов, Р.Р.Вильдановлар илмий гуруҳи томонидан қатор ишлар амалга оширилган. Бироқ, лазерли интерферометрик системаларнинг махсус хусусиятлари туфайли уларнинг қайд қилишининг сезгирлиги ва эффективлиги, ўлчашнинг физикавий вазифаси ва шароитига боғлиқ равишда сигналнинг шовқинга нисбати каби характеристикалари камдан-кам ҳолларда ҳисобланади. Шунинг учун фазаметрик ва корреляцион ўлчашлар учун лазерли системаларни тадқиқ қилиш ва яратиш мазкур йўналишни ривожлантириш ҳамда амалий вазифаларни ҳал этиш учун долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация

тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетида № 01910000928 рақам билан тасдиқланган «Ўта кичик силжишларни қайд қилувчи лазерли системаларни яратиш» мавзусидаги ҳамда ГНТП №01200009766 «Кичик силжишларни лазерли ўлчагични яратиш ва ишлаб чиқиш» (2000-2002 йй.); П-10.10 «Деформацион силжишларни дистанцион лазерли ўлчагични ишлаб чиқиш» (2003-2005 йй.); А13-023 «Деформацион силжишларни лазерли ўлчагични стабиллаш тизимини ишлаб чиқиш» (2006-2008йй.); ИТД 15-020 «Сочувчи муҳитларни диагностикаси учун лазерли фотон-корреляцион спектрометрни ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турбулент атмосфера ва дисперс муҳитларнинг структуравий характеристикаларини ўлчаш методларини лазерли гетеродинлаш ва коррелометрия экспериментал методларини ривожлантириш орқали ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

лазерли гетеродинлаш асосидаги оптик зондлашда фазаметрик ва корреляцион ўлчаш методологиясини аниқлаш;

частота бўйича синхронлаштирилган лазерли гетеродин системани тайёрлаш ва ишлаб чиқиш;

газ лазерлари актив муҳити дисперсион хусусиятларини тадқиқ қилиш ва уларнинг нурланиш частотасини стабиллаштириш;

ўлчаш шароитларига боғлиқ равишда гетеродинли детекторлаш эффективлиги ва сезгирлигини ҳисоблаш;

оптик майдонларнинг статистик характеристикаларини қайд қилиш учун фотон-корреляцион спектрометрнинг экспериментал системасини ишлаб чиқиш;

турбулент атмосферанинг оптик параметрларини экспериментал тадқиқотларда аниқлаш;

фотон-корреляцион спектрометрия методи билан дисперс муҳитларни микроструктуравий тадқиқ қилиш.

Тадқиқот объекти бир жинсли бўлмаган муҳитларни зондлашда лазерли гетеродинли системалар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети зондланаётган объектларнинг физик параметрлари, зондловчи гетеродин нурланишни шакллантириш усуллари ҳамда сочилган нурланишни детекторлаш ва таҳлил қилиш методларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот нурланишни шакллантириш ва қайд қилиш, детекторлашдан кейинги қайта ишлаш жараёнларини аналитик таҳлил қилиш билан бирга олиб борилади. Атмосферани тасодифий бир жинсли бўлмаган турбулент канал сифатидаги классик тасаввур ҳамда дисперс муҳитларда ёруғликнинг динамик сочилишини умумий қабул қилинган механизмларидан фойдаланилди. Корреляцион қайта ишлаш флуктуация фонида оптик нурланишнинг спектрал ва вақтий характеристикаларини ажратиб олиш имкониятини беради. Ўлчашлар автоматлаштирилган ўлчов-ҳисоблаш комплексида замонавий радиофизик методлар ва қурилмалардан фойдаланилган ҳолда олиб борилди.

Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:
лазер нурланишнинг оптик частотасини стабиллаш имкониятини берувчи модавий қайта тузиш хусусиятлари ва He-Ne лазер генерация частотасини дисперсион силжиш характеристикалари аниқланган;

амалий қўллаш шароитларида гетеродинли ўлчаш сезгирлиги ва эффективлигини баҳолаш учун аналитик ифодалар олинган ва ҳисоблашлар бажарилган;

синхронлаштирилган лазерли гетеродин системани ясашда лазер нурланишини бошқарувчи сигналларни шакллантириш принциплари ишлаб чиқилган;

фотосаноқларнинг статистик тақсимооти ҳамда авто ва кроскорреляцион функцияларини қайд қилиш имкониятини берувчи оптик майдонларни фотон санаш режимидаги детекторлаш методида амалга оширилган;

ишлаб чиқилган лазерли система ёрдамида турбулент атмосферанинг оптик информацияни узатувчи канал эканлигини характерлайдиган оптик параметрлари аниқланган;

ишлаб чиқилган фотон корреляторни қўллаган ҳолда фотон-корреляция методи билан сочилган нурланиш спектри кенглиги ва монодисперс эритмадаги микрозаррача ўлчами аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фазаметрлик ва спектрометрлик ўлчашлар учун мўлжалланган, лазерлари синхронлаштирилган лазерли гетеродинли система ишлаб чиқилган;

фотон санаш режимида оптик нурланишнинг авто ва кроскорреляцион функцияларини қайд қилувчи коррелометр ишлаб чиқилган;

полигонда олиб борилган ўлчашларда турбулент атмосферанинг оптик параметрлари ва дистанцион зондлашнинг оптимал шароитлари аниқланган;

фотон-корреляцион спектрометрия методи билан субмикронли заррачалар суспензиясининг характеристик параметрлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда ўлчашнинг замонавий метод ва воситалари комплексидан фойдаланилганлиги; олинган қонуниятларни умумқабул қилинган классик тасаввурлар асосида аналитик ўрганилганлиги; эксперимент натижаларини ҳисоблаш моделларига мувофиқлиги ва умумфизикавий тасаввурлар ҳамда бошқа илмий ишларга мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти турбулент атмосфера ва дисперс муҳитларда лазерли спектрометрлик ўлчашларнинг сезгирлиги ва эффективлигини ортиши тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтиришда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган лазерли гетеродинли система радиофизик полигонда атмосферавий ва сейсмометрик кузатувларда ҳамда дисперс муҳитларнинг структуравий характеристикаларини ўлчашда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Бир жинсли бўлмаган муҳитларнинг структуравий характеристикаларини лазерли гетеродинлаш орқали фазаметрик ва спектрал ўлчаш тадқиқотла-

ри натижалари асосида:

оптик фаза силжишини аниқлаш учун мўлжалланган лазерли гетеродинли системага Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг фойдали модели олинган («Силжишларни ўлчаш учун автоматлаштирилган лазерли гетеродинли система» UZ № FAP 00348, 2008). Ишлаб чиқилган системани қўллаш ўлчаш стабиллиги ва аниқлигини икки баробар ошириш, ҳамда ва қайд қилиш жараёнини автоматлаштириш имконини берган;

ишлаб чиқилган усул ва экспериментал қурилма БФ2-027 рақамли “Металл нанозаррачалар шаклланиши ва ўсиши механизмлари ва уларнинг ночизикли оптик хоссаларини тадқиқ қилиш” грант лойиҳасида ўлчаш сезгирлиги ва эффективлигини ошириш учун қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 89-03-1025-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши юқори аниқликда атроф-муҳитни мониторинг ва назорат қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 5 та халқаро ва 13 республика илмий конференциялар ишида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 11 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. Лазерли гетеродинли система фойдали модели учун патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оптик зондлашда лазерли гетеродинлаш ва корреляцион қайта ишлаш методлари**» номли биринчи бобида лазерли фаза-метрик ва спектроскопик системаларнинг физик тадқиқотларда қўлланилиши, бир жинсли бўлмаган муҳитларни ўрганишда лазерли гетеродинлаш ва фотон-корреляцион спектроскопиядан фойдаланиш ҳақида қисқача шарҳ келтирилган. Ўтказилган таҳлиллар асосида аниқ физикавий масалалар учун ишланмаларни ва экспериментал методларни оптималлаштириш зарурати ҳақида хулосалар чиқарилган. Диссертация иши мақсади ва вазифалари


шакллантилган.

Диссертациянинг «Лазерли гетеродинли фазаметрик система» номли иккинчи боби тадқиқот мавзуси бўйича оптик тажрибаларни ўтказиш учун асосий физик қурилма ҳисобланган лазерли гетеродинли системани ишлаб чиқишга бағишланган. Кириш қисмида ушбу йўналиш бўйича мавжуд методлар ва эришилган натижалар ҳақида қисқа таҳлилий маълумот берилган. Системани қуриш ва функционал ҳисоблаш принциплари кўрсатилган. Лазер нурланиши манбаларини ишлаб чиқиладиган системага мослаштириш мақсадида ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Фазаметрик системаларнинг сезгирлиги ва аниқлиги биринчи навбатда нурланиш манбалари характеристикалари, оптик схемалар параметрлари, ўлчаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда фотоқабул қилиш ва қайд қилувчи қисмининг хусусиятларига боғлиқ. Гетеродин системада қўлланилувчи саноатда ва биз томонимиздан ишлаб чиқилган тўртта лазер манбаларининг характеристикалари экспериментал тадқиқотларда ўрганилди. Нурланишнинг модавий таркиби, қувватининг стабиллиги, иссиқликка бардошлилиги, акустик ҳимояланганлиги, частота флуктуацияси ва шовқинлари ўрганилди. Олинган натижалар таҳлили саноатда ишлаб чиқилган герметик корпусли лазерларнинг температуравий стабиллиги бизда ишлаб чиқилган ЛГ-ККР лазерига нисбатан сезиларли даражада паст эканлигини кўрсатди. Температура ўзгаришида нурланиш частотаси дрейфининг қиймати қуйидагига тенг: температура ўзгаришида $\sim 500 \text{ МГц}/^\circ\text{C}$, ташқи босим ўзгаришида $\sim 20 \text{ МГц}/\text{тор}$. ДТР лазерлари учун интенсивлик флуктуацияси 200 Hz гача бўлган соҳани эгалланган кичик қийматга эга. Юқори частоталар соҳасида ГЛ-105 лазерлари учун кенглиги $\sim 20 \text{ МГц}$ ўзгариш тезлиги $10 \text{ МГц}/\text{сек}$. бўлган доимий ток разрядидаги қатламлар динамикаси ва кўндаланг типдаги тебранишларнинг қайта тузилиш билан боғлиқ бўлган спектрал груҳининг узлуксиз тебранишлари кузатилди. Частота флуктуацияси сатҳини миқдорий баҳолаш ДТР лазернинг флуктуация спектри $\sim 80 \text{ Гц}$ гача бирлик герц соҳасида $\sim 10 \text{ МГц}$ ли максимал оптик оғиш билан сўнишини кўрсатди. Олинган натижалардан, лазерларнинг автосозлаш схемасининг тезкорлиги ташқи таъсирларни ҳисобга олмаган ҳолда камида 100 Гц гача бўлган диапазонни беркитиши керак деган хулоса келиб чиқади.

Лазерли ўлчов системаларини ишлаб чиқишда бир неча бўйлама мода генерациясида ишловчи лазерлардан кенг фойдаланилади, чунки улар бир-частотали лазерларга нисбатан нурланиш қуввати юқори бўлади. Кучайтиришнинг доплер контури чегарасида бир модалидан уч модалигача бўлган лазернинг частотавий қайта созлашга боғлиқ бўлган эффектларини ўрганиш учун юқори частотали дамлашли ва нурланиш қуввати $\sim 0,5 \text{ мВт}$ бўлган ЛГ-149 турдаги гелий – неон лазерлари тадқиқ қилинди. Унинг резонатори узунлиги 32 см га тенг бўлиб, эркин спектрал зонаси $\Delta\nu_{\text{FSR}} \approx 470 \text{ МГц}$ га мос келади.


Уч частотали нурланиш доирасида резонаторни созлаш аксиал модаларнинг доплер контури ўрта қисмига тақсимланиши натижасида максимал қувватга эришишга олиб келади (1-расм).



1-расм. Уччастотали лазер чиқиш қувватини (1) ва комбинацион биения частотаси абсолют қийматини (2) резонатор узунлигини ўзгаришига боғлиқлиги

модалар амплитудасига боғлиқ равишда камая бошлайди, унинг нурланиш чизиғи хусусий кенлиги спектр соҳасига боғлиқ ҳолда бир неча килогерц қийматида кузатилди

Комбинацион биения частотасининг ўзгаришидан лазернинг оптик частотасини стабиллаш учун фойдаланилди (2-расм). Стабилланмаган режимда биения частотаси 20 кГц гача қийматли хаотик флуктуацияли умумий тенденцияга эга бўлади. Стабиллаш уланганида пастчастотали биения 100 кГц частотага боғланади ва уларнинг оғиши амплитудаси 3 кГц гача камаяди. Натижада 10 соатда узок муддатли частотавий ностабиллик $7 \cdot 10^{-9}$ ташкил этди. Шуни таъкидлаш керакки, қисқа мудатли (бирлик секундларда) ностабиллик ҳам деярли шу қийматларни қабул қилади. Бу эса ушбу стабиллаш лазерни узок муддатли иссиқлик таъсирларида сақлашга қаратилган бўлиб, узок муддатли интерферометрик ўлчашлар учун зарур ҳисобланади.



2-расм. Стабилланмаган ва стабиллаш режимларида частотанинг оғиши

жарилди; лазерлар частотаси фарқини 10^{-5} нисбий хатолик билан ушлаб

Ушбу резонатор учун уччастотали режим бутун созлаш диа-пазонининг 60% ни эгаллайди. Лазернинг уччастотали режимда дисперсион ва ночизикли эффектлар туфайли фоток спектрида комбинацион биения сигнали мавжуд бўлади. Комбинацион биения частотасининг резонатор узунлигини созлашга боғлиқлиги 1-расмда келтирилган. Комбинацион биения амплитудаси f частота ортиши билан четки

Тадқиқотлар натижасида қуйидаги вазифалар ҳал этилди: лазер резонаторлари бошқарув сигналлари шакллантириш ва қайта ишлаш методлари билан фарқланувчи, частота бўйича боғланган иккита лазер асосидаги гетеродинли системани қуриш принциплари аниқланди; фазаметрик ўлчашлар учун оптик ва электрон қурилмаларни функционал ҳисоблаш ба-

туриш имкониятини берувчи лазер нурланиши частотасини частотавий ва фазавий синхронловчи блок ишлаб чиқилди; блокка биения частотасини частотавий автотўғрилаш системасининг қамраш частотаси соҳасига киритувчи лазерларни автосканерлаш схемаси киритилди.

Амалий қўлланиш шароитида лазерли гетеродинлашнинг сигнал шовқин нисбати ва қабул қилиш эффективлигини аналитик ҳисоблаш келтирилди. Сигналнинг трассаса узунлиги ва турбулентлик ҳолатига боғлиқ ҳолдаги хусусиятларини кўрсатувчи атмосферадаги табиий экспериментлар натижалари келтирилган.

Детекторлашнинг эффективлиги тўлиқ баҳолаш учун сигнал ва шовқиннинг статистик хоссаларини эътиборга олиш зарур. Пуассон флуктуацияларини ҳисобга олсак, сигнал ва таянч нурланишларининг гетеродинли қабул қилишдаги сигнал/шовқин нисбати қуйидагига тенг:

$$S/N|_{\text{гет}} = \frac{\bar{j}_s^2}{\bar{j}_{\text{ш}}^2} = \frac{2\eta\bar{I}_s}{(1+\eta F_s + \eta F_g)\Delta f}, \quad (1)$$

бунда, j_s ва $j_{\text{ш}}$ – сигнал ва шовқин фототоқлари; η – фотодетекторлашнинг квант эффективлиги; $F_i = T \frac{\sigma_i^2}{I_i}$ – сигнал s ва гетеродин g нурланишлари учун уларнинг дисперсиясини σ_i ҳисобга олган ҳолда фотосаноклар тақсимотини пуассон тақсимотидан фарқланишини характерловчи параметр; Δf – қайд қилинадиган частоталар полосаси.

Сигнал ва таянч нурланишларнинг ностабиллик факторининг ортиши билан гетеродинли системанинг излаш хусусияти ёмонлашади. Сигнални детекторлашдан кейинги қайта ишлаш таҳлилига фототоқни филтраш ва шовқин ҳамда майдонларнинг фазовий конфигурацияси ва когерентлик характеристикаларини киритиш орқали гетеродинли ток сигнали амплитуда қиймати учун ушбу ифода олинди:


$$\tilde{S} = \tilde{S}_0 \left[\frac{1}{A} \exp\left(\frac{\Delta}{w}\right) \right]^2 2 \iint_A d^2 r d^2 r' \frac{J_1(v)}{v} \exp\{i\psi - r^2\beta - r'^2\beta^* + r[2\beta\Delta \cos(\vartheta - \varphi) - ik_g\theta_g \tilde{n}\cos\vartheta] + r'[2\beta^*\Delta \cos(\vartheta' - \varphi) + ik_g\theta_g \tilde{n}\cos\vartheta']\} \quad (2)$$

бунда $\tilde{S}_0$ - сигнал амплитуда қийматининг барча ўлчамли катталикларини ўз ичига олувчи кўпайтирувчи; r – майдони A тенг бўлган детекторнинг радиус вектори ва ϑ - унинг кутб бурчаги; Δ , w , ψ , β , θ , φ - фотоаралишишнинг конфигурацион параметрлари,

$$v = \frac{k_s}{R} \rho [r^2 + r'^2 - 2rr' \cos(\vartheta - \vartheta')]^{1/2} \quad (3)$$

$J_1(v)$ - биринчи тартибли Бессел функцияси. Ушбу (3) ифода гетеродинлаш эффективлигига у ёки бу кўринишдаги номувофиқликни таъсирини тадқиқ қилиш имкониятини беради. Ҳисоблашлар, детекторнинг ўлчами $a_d \approx 1$ мм бўлганида $\lambda = 0,63$ мкм тўлқин узунлигида фронтларнинг эгрилиги икки карра фарқ қилиши сигналнинг 30% га камайишини кўрсатди. Бундай ҳолат

$\lambda = 10,6$ мкм тўлқин узунлиги учун детекторнинг ўлчами $a_d = 3,5$ мм бўлганида кузатилади. $a_d = 1$ см ва $\lambda = 0,63$ мкм, нурланишларнинг номувофиклик бурчаги $\theta_g \sim 3''$ бўлганида S/N икки марта камаяди. Бундай ҳолат $\lambda = 10,6$ мкм учун $\theta_g \sim 50''$ қийматда кузатилади. $a_d = 1$ мм учун мос ҳолда $\theta_g(0,63) \sim 0,5'$, $\theta_g(10,6) \sim 8'$ қийматларга эга бўламиз. **3-расмда** атмосферадаги эксперимент натижалари келтирилган.



3-расм. Атмосферада колимацияланган дасталарнинг турли оғиш ўқларида $\tilde{S} / \tilde{S}_0$ нинг апертура ўлчамига боғлиқлиги.
 $C_n^2 \sim 4 \cdot 10^{-15} \text{ м}^{-2/3}$, $\lambda = 0,63$ мкм


Ўлчашлар 200-метрли трассада кечкурун кучсиз турбулентлик шарои-тида ўтказилди. Сигнал фронтларининг номувофиклик бурчаги интерференцион полоса кенглиги δ_n га тескари пропорционал бўлиб, эгри чизиклар ёнида келтирилган. Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, эгри чизиклар тебранма характерга эга. Сигнал нури трассасида турбулентлик натижасида пайдо бўлган тўлқин фронтининг фазавий флуктуациялари гетеродинли интерференциянинг кўринувчанлигини ёмонлашишига олиб келди.

Турбулент трасса учун когерентлик функцияси ифодаси келтириб чиқарилди ва амалий ҳоллар учун аналитик ҳисоблашлар бажарилди:

$$S / N \approx \frac{\eta I_s}{\Delta f} \frac{1}{\tilde{D}} \left[\sqrt{\pi} \cdot \text{erf}(l \sqrt{\tilde{D}}) - \frac{1}{l \sqrt{\tilde{D}}} (1 - e^{-l^2 \tilde{D}}) \right]^2 \quad (4)$$

бунда γ - вақтли когерентлик даражаси, $\tilde{D} = 1.64 C_n^2 k^2 L l_0^{-1/3}$, L – тарсса узунлиги, l_0 – турбулентликнинг ички масштаби, l – детектор ўлчами; $\text{erf}(l \sqrt{\tilde{D}})$ – хатоликларнинг интеграл функцияси.

Ўлчашлар 50 ва 200 метрли трассаларда мўътадил турбулентликда ўтказилди. Диаметри 10 см бўлган коллимиранган дастанинг интенсивлиги $I_s \approx 5 \cdot 10^8 \text{ м}^{-2} \text{ с}^{-1}$, таянч дастанинг интенсивлиги эса $I_g \approx I_s$ дан $I_g \approx 10 I_s$ гача ўзгартирилиб турилди. Миқдорий ҳисоблаш учун қуйидаги параметрлар олинди: $\eta = 0.3$, $\gamma = 0.8$, $\Delta f = 10^4$ Гц, $l_0 = 5 \cdot 10^{-3}$ м. **4-расмда** ўлчаш ва ҳисоблаш натижалари келтирилган. Эгри чизиклар назарий ҳисоблашларни тасдиқлайди ва улардан СШН трасса узунлиги ортиши билан тезда тўйиниши ҳамда 200 метрли трасса учун қабул қилгичнинг оптимал ўлчами ≈ 9 см эканлиги кўринади.



4-расм.
Турбулент атмосферада
гетеродинли қабул қилишда
СШН қабул қилувчи
апертура диаметрига
боғлиқлиги. Пунктир
чизиқлар – ҳисоблаш
натижаси

Сигнал дастаси қуввати бўлганда таянч даста қувватининг камайиши натижа-
сида СШН камаяди.

Диссертациянинг «Фотонлар санаиш режимида оптик майдонларнинг
корреляцион характеристикаларини ўлчаш» номли учинчи бобида фо-
тонлар санаиш режимида фотосаноқларни корреляцион қайта ишлаш орқали
оптик майдонларни қайд қилиш методи келтирилган. Ёруғликни корреля-
цион спектроскопиясида рақамли корреляторли фотонларни санаиш методи
асосий ҳисобланади. Корреляцион ёки Фурье таҳлили ёрдамида сочилган
сигналини қайта ишлаш, сочувчи объектларнинг динамик характеристикала-
рини аниқловчи сигнал параметрларини топиш, спектрал чизиқларнинг кен-
гайиши ва аралашини герцнинг улушидан ўнлаб гигагерцгача бўлган қий-
матда, сочилган ёруғликка нисбатан юқори чегаравий сезгирликда ўлчаш им-
кониятини беради. Бироқ объектларнинг турличалиги ва фотон-корреляцион
спектрометрияси учун қурилмаларнинг серияли ишлаб чиқилмаслиги амалий
масалалар учун оптик ва радиўлчов воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда аниқ
вазифалар учун уларни оптималлаштиришни асослашга олиб келади.

Экспериментал талабдан келиб чиқиб, фотосаноқларнинг белгиланган
бўсағавий сатҳига боғланиш режимида ишловчи ва реал вақтда вақтий
корреляцион функцияни қайд қилувчи икки каналли фотон коррелятор ишга
туширилди. Бирканалли клипплашда фотосаноқларнинг нормал корреляцион
функцияси қуйидагига тенг:

$$g_k(\tau) = \langle n_k(t)n(t+\tau) \rangle / \langle n_k \rangle \langle n \rangle, \quad (5)$$

бунда клипплаш даражаси $n(T) > l_k$ бўлганида $n_k = 1$.


Майдоннинг Гаусс стастикаси ҳолида, у майдон корреляцион функцияси
билан қуйидагича аналитик боғланишга эга:

$$g_k(\tau) = 1 + \frac{1 + l_k}{1 + \langle n \rangle} |\gamma(\tau)|^2, \quad (6)$$

яъни квантлашда корреляцион функциянинг вақтга боғлиқлиги бузилмайди.
Корреляторнинг бу схемасини афзаллиги шундаки, унинг киришига фотоса-

ноқлар дестохастизатор ўрнатилган ҳамда мос тушишлар схемаси бошқарилувчи “дарча”га эга.

Ишлаб чиқилган фотон-коррелятор нобиржинсли фазавий сочувчидан ўтган лазер нуруни ўлчашда қўлланилди (5-расм). Фотосаноқларнинг ўртача оқими 5 кГцга тенг бўлиб, маълумотлар йиғишнинг оптимал шартига мос




5-расм. Сочилган нурланишнинг автокорреляцион функцияси

когерентлик майдонини A_c фотодетекторнинг юзаси A билан солиштиришда қабул қилгичда фазовий ўртачалаштириш пайдо бўлади ва у натижавий функцияга мустақил мультипликатив таъсир кўрсатади:

$$g(\tau, A, T) = 1 + [\gamma(\tau, 0, T) - 1] \frac{1}{A^2} \iint_A d^2r d^2r' |\gamma(\vec{r} - \vec{r}')|^2. \quad (7)$$

Интеграл A нинг катталашиши билан камаяди ва детекторлашнинг катта юзасида иккинчи ташкил этувчи ўртачалаштириш ҳисобига йўқ бўлиб кетади.



6-расм. Детекторларни фазода r масофага ажратганда олинган кроскорреляцион функция

мос ҳолда силжийди.

Ўлчашлар натижасида корреляцион ўлчашларнинг асосий принциплари

келади. Натижалар корреляция вақтининг τ_c сочувчи тезлигига v пропорционал равишда камайтишини кўрсатди.

Ўлчашлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:


детектор юзасининг катталашиши санаш тезлигининг ортишига олиб келади ва мос ҳолда СШН ҳам ортади. Бироқ бунда фон сатҳига нисбатан корреляцион функция амплитудасининг чўққи қиймати камаяди; нурланишнинг

Иккита ажратилган фотоқабулқилгичлардан келган сигналларни кроскорреляцион функцияни қайд қилиш режимида ўлчаш қабул қилиш соҳасини мос ҳолаги икки нуқтаси орасидаги корреляция вақти ва майдоннинг фазовий деградациясини баҳолаш имкониятини беради (6-расм). Детекторлар орасидаги масофа ортиши билан корреляция чўққиси майдоннинг фазовий структурасини бир нуқтада иккинчисига кўчириш вақтига

тўғрисидаги тавсиялар бир қатор чегараланишлар билан қабул қилинди: ўн марта тўлиқ кечикишдан кам бўлмаган, турли давомийликли ўлчашлар битта йиғинди давомийликли ўлчашга нисбатан юқори аниқликни таъминлайди; боғлашни санокнинг ўртача қийматида амалга ошириш; кечикишгача корреляцион функцияни ўлчаш оптимал маълумотларни беради; детекторнинг юзаси ўлчанувчи нурланиш когерентлик майдонидан катта бўлмаслиги керак; гаусс бўлмаган сигналлар статистикаси учун оптик аралаштириш спектроскопиясини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг «**Биржинсли бўлмаган муҳитларни фазаметрик ва корреляцион тадқиқ этиш**» номли тўртинчи бобида ишлаб чиқилган методлар ва экспериментал қурилмани қўллаган ҳолда оптик биржинсли бўлмаган муҳитлардаги тадқиқот натижалари келтирилган. Турли турбулент атмосферавий каналарнинг оптик характеристикалари аниқланган. Эритмага қўшилган субмикрон заррачаларнинг ўлчамларини аниқлаш мақсадида, дисперс муҳитда ёруғликни динамик сочилишини тадқиқ қилиш ўтказилган. Ишланмаларнинг функционал имкониятлари тўғрисида хулосалар қилинган.

Дистанцион лазерли ўлчагичнинг трассасидаги синдириш кўрсаткичининг флуктуацияси тўлқин фазаси флуктуациясига олиб келиши натижасида вақтلى когерентли даражаси пасаяди ва нурланишнинг тасодифий частотавий модуляциясига олиб келади. Оптик спектрнинг оғишини ва мос ҳолда гетеродинли сигналнинг оптик трассанинг атмосфераси ҳолати ва узунлигига боғлиқ кенгайишини ўрганиш, катта базали ўлчашлар олиб бориш учун амалий қизиқиш уйғотади. Спектрнинг кенгайиши $L=100$ ва 200 м узунликдаги трассаларда қайд қилинди (7-расм).




7-расм. 200 м ли трасса учун лазер нурланиши кенгайиш спектри

Спектрал тақсимот кенглиги аниқ бир трасса учун турли қийматларни қабул қилди. Ўлчашларда спектрал кенглик сочилиши $20 \div 30\%$ ни ташкил қилди ва бу ностационар атмосфера тўғрисидаги тасаввурларга тўла мос келади. Натижалар қисқа трассалар учун спектрал кенгайиш ўртача бир неча Гц/м бўлишини кўрсатди. Ўлчашлар трасса атмосферасининг турли ҳолатлари учун ҳам ўтказилди ва бунда эффектив кенглик 100 м ли трасса учун $30 \div 80$ Гц, 200 м ли трасса учун эса $40 \div 120$ Гц ни ташкил этди. Спектр кенгайишининг трасса узунлигига боғлиқлиги $L^{1/2}$ га мос келиб, назарий қарашларни тасдиқлади. Оптик тўлқиннинг фазаси бошқа параметрларга қараганда атмосферанинг турбулентлигига юқори даражада таъсирчан бўлиб, унинг ўзгариши тасодифий нобиржинсли муҳитнинг асосий характеристикаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Фазавий ғалаёнланишлар учун катта масштаби нобиржислик муҳим бўлиб, кичик тўлқин сони соҳасидаги фазовий спектрнинг бу қисми универсал баён этилиш шаклига эга эмас.

Майдон фазасининг фазовий ўзгаришлари ва унинг спектри атмосфера трассасининг структуравий характеристикаларини аниқлаш имкониятини беради (8-расм).



8-расм. Турбулент атмосферада фазовий ажратилган нукталар оптик фазалари орасидаги ўзгаришлар спектри


Тезкор флуктуацияларни қайд қилиш орқали фазанинг структуравий функцияси ҳисобланди:

$$D_S(\rho) = \langle [\varphi(r + \rho) - \varphi(r)]^2 \rangle \quad (8)$$

У эса даври турбулентликнинг ички масштаби билан боғлиқ булган тебранма кўринишли тўйиниш соҳасини кўрсатди. Атмосфера синдириш кўрсаткичнинг структуравий доимийси структуравий функциянинг

$$C_n^2 = \frac{D_S}{2.92 \cdot k^2 L \rho^{5/3}} \quad (9)$$

ҳисобланган қийматларидан аниқланди. Структуравий доимийни аниқлаш натижалари, унинг қийматини ортиши фазавий флуктуациялар спектри қийматини бир оз ортиши билан боғлиқлигини, айти шу вақтда спектр максимуми юқори частоталар диапазонида силжишини кўрсатди.



9-расм. Фазавий флуктуацияларнинг 200 м ли трассадаги спектрал тақсимооти.

Нукталар- эксперимент натижалари, чизик – назарий боғланишга мослаштириш

Узунлиги $2L=200$ м бўлган канал учун 10 сана/сек частота билан фазавий флуктуацияларни ёзиш олиб борилди. Сонли анализ орқали фазанинг дисперсия қиймати 250 рад^2 эканлиги аниқланди ҳамда ундан структура доимийси $C_n^2 \approx 2 \cdot 10^{-14} \text{ м}^{-2/3}$ ва $\rho_c \approx 3,3$ см кореляция радиуси қийматлари топилди. 200 метрли канал учун фаза ёзувини Фурье тахлили орқали рақамли ишланган фазавий флуктуация спектри 9- расмда келтирилган. Бу эгри чизиқни таҳлил қилиш, эффектив ташкил этувчилар 1 Гц частота-

гача бўлган соҳада ётишини кўрсатди. Биздаги ўлчаш геометрияси учун, фазавий флуктуациялар спектрал зичлигини паст частотали учун ўсувчи ва юқори частотали учун камаювчи иккита асимптотик боғланиш орқали ёзиш мумкин:

$$f < f_1, \text{ да } S(f) \approx 0,4 \sigma_S^2(2L) f_1^{-1/3} f^{-2/3}; \quad (10)$$


$$f > f_1 \text{ да } S(f) \approx 0,08 \sigma_S^2(2L) f_1^{5/3} f^{-8/3}, \quad (11)$$

бунда $f_1 = v/L_0$ – характерли частота бўлиб, ташқи масштаб L_0 орқали нобиржинслиликни трассага кўндаланг равишда ўтиш тезлигини аниқлайди.

Экспериментда олинган спектрнинг юқори частотали қисмини кўрсатилган боғлиқликка мослаш $f_1 \sim 0,05$ Гц баҳолаш параметрини берди ва бу атмосферанинг $v \sim 0,1$ м/с тезлик билан кўндаланг ҳаракатига мос келади. Трассани тез ўзгартириш, вақтли флуктуацияларнинг эффектив кенглиги трасса узунлигига боғлиқ эмаслигини кўрсатди ва 15÷20 Гц оралиғидаги қийматларни қабул қилди. Атмосфера массасининг ҳаракатланиш тезлигини ортганида спектрал тақсимот максимуми пасаяди ва юқори частоталар соҳасига силжийди. Спектрнинг паст частотали қисмининг нисбий амплитудаси $f < f_1$ учун бир ёзишдан бошқасигача сезиларли ўзгариб, спектрнинг ушбу қисмида атмосферанинг умумий ҳолатини кичик ўзгариши қисқа муддатли ностабилликни пайдо қилишини тасдиқлади.

Майдоннинг корреляцион функцияси ва нурланишнинг интенсивлигини аниқлаш, атмосферада лазерли информатсион системаларнинг эффективлигини баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга. Уларни ўлчаш интенсивлик флуктуацияси спектрини олиш, когерентлик параметрлари ва атмосферанинг ҳолати характеристикаларини аниқлаш имкониятини беради.


Ўлчашлар трасса узунли ~ 1 км бўлган, тоғ чўкқисидаги қайтарувчи кўзгуга юбориладиган диаметри ~ 15 см бўлган коллимирланган дастада олиб борилди. Фотоқабулқилгичларнинг кириш апертураси диаметри $d \ll \sqrt{\lambda L}$ шартни қаноатлантирди ва 1 мм га тенг бўлди.



10-расм. Атмосферада интенсивликнинг фазовий корреляцион функцияси

Асосий натижалар фотоқабулқилгичларнинг хусусий шовқини ва кучайтириш трактининг ҳалақит берувчи автокорреляциясидан ҳоли бўлган кроскорреляциялардан аниқланди (10-расм). Олинган натижалар трассанинг узунлиги ва атмосферанинг ҳолатига боғлиқ равишда, $G(\rho)$ функциянинг тушишидан аниқланган майдон корреляция радиуси 2÷6 см атрофида

ўзгаришини кўрсатди. Айни шу шароитларда фотосаноклар автокорреляцион функцияси ўлчанди. Олинган боғлиқлик асосида атмосферанинг ушбу ҳолати учун корреляция вақти ≈ 2 мс ни ташкили этди. Дисперс муҳитларни фотон–корреляцион спектрометрия усулида тадқиқ қилиш, суюқликка киритилган микрозарралардан сочилган нурланишни таҳлил қилишга асосланади. Ўзида дистилланган сувга киритилган кичик дисперсияли полистрал латексдан иборат моноструктурали системани намоён қилувчи диффузиявий сочувчи эритмада ўлчашлар олиб борилди (11-расм).



11-расм.

Эритмада сочилган
ёруғлик интенсивлигининг
автокорреляцион
функциялари

Заррачалар сферик шаклга эга эканлигин эътиборга олган ҳолда сочилиш интенсивлигининг йиғиндисидан уларнинг концентрацияси $c \sim 10^{10} \text{ см}^{-3}$ эканлиги аниқланди. Сочилиш $\theta = 20^\circ$ бурчак остида қайд қилинди. Корреляцион функциялар компьютерда m реализация бўйича ўртачалаштирилди. Ўртачалаштириш сони ортиши билан графиклар тўғриланиши кузатилди. Бундан ташқари, янада катта қийматгача ўртачалаштиришда боғланиш фон сатҳигача эффектив тушади. Ўлчанган коррелограммани назарий апроксимациялаш натижасида тушиш вақти $t_c \approx 30$ мс эканлиги топилди. Бу сочилиш спектрининг лоренц кенглиги $\Gamma \approx 30$ Гц қийматига мос келади. Кейинги ҳисоблашлардан эритмадаги заррачаларнинг ўлчами $d = 0,41$ мкм эканлиги топилди.

ХУЛОСА

Турбулент атмосфера ва дисперс муҳитларнинг структуравий характеристикаларини ўлчаш методларини лазерли гетеродинлаш ва коррелометрия экспериментал методларини ривожлантириш орқали ишлаб чиқиш натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Газ лазерли актив муҳитининг модалараро биения частотаси силжишига боғлиқ дисперсион характеристикалари ҳамда резонатор узунлиги вариацияларида нурланиш модасининг қайта тузиш параметрлари аниқланиб, лазер манбаи оптик частотасини стабиллаш амалга оширилган ва у узоқ муддатли стабилликни деярли бир тартибга ошириш имконини берган.

2. Амалий қўлланишлар шароитида гетеродинли ўлчашнинг сезгирлиги ҳамда эффективлигини баҳолаш учун назарий ҳисоблашлар бажрилган ва аналитик ифодалар олинган. Фотосаноқларни пуассон статистикасига бўйсунмаслигига олиб келувчи флуктуацияланувчи лазер нурланиши ҳолатида фототокнинг характери аниқланган.

3. Сигналнинг шовқинга нисбати тўлиқ чиқиш токи флуктуациясининг ўртача квадратик қийматини ўз ичига олганида, сигналнинг шовқинга нисбати учун нурланишнинг когерентлик характеристикалари ва уринувчи сигналини детекторлашдан кейинги қайта ишлаш ҳамда ўзаро таъсирлашувчи нурлар апертураси ва уларнинг тўлқин фронтининг қияликларини ҳисобга олган фотодетекторлаш эффективлигини етарлича адекват баҳолашган.

4. Синхронлаштирилган лазерли гетеродинли системани куришда лазер манбаларини бошқарувчи сигналларни шакллантиришнинг янги принциплари ва лазерлар нурланишини частотавий ва қўшимча боғлаш учун лазер резонаторни автосозловчи электрон қурилмаси ишлаб чиқилган.

5. Ишлаб чиқилган лазер системаси ёрдамида, ҳолати оптик информацияни узатувчи канал эканлигини характерловчи турли турбулент атмосферавий трассаларнинг оптик параметрлари аниқланиб трассанинг узунлиги ва турбулентлик ҳолатига боғлиқ равишда фотодетекторнинг оптимал ўлчами учун баҳолашлар ўтказилган.

6. Оптик майдонларни фотонлар санаш режимида статистик тақсимотни ҳамда фотосаноқларнинг авто ва кроскорреляцион функцияларини қайд қилиш имкониятини берувчи детекторлаш методи амалга оширилган.

7. Суюқликлардаги микрозарралар ўлчамини сочилган ёруғликни гетеродинли қайд қилиш асосида ўлчаш учун мўлжалланган экспериментал қурилмаси ва ўлчаш усули ишлаб чиқилган.

8. Ёруғликнинг динамик сочилишини ўлчаш учун фотон-корреляция методини аналитик ифодалашни танлаш назарий ва экспериментал асосланиб ишлаб чиқилган фотон корреляторни қўлланилган ҳолда сочилган нур спектри кенглиги ва эритмадаги субмикрон заррачалар ўлчами аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM/Т.34.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ,
ИНСТИТУТЕ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ,
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

ЭШОНКУЛОВ ГОФУР БОБОКУЛОВИЧ

**ЛАЗЕРНОЕ ГЕТЕРОДИНИРОВАНИЕ
И КОРРЕЛЯЦИОННАЯ ОБРАБОТКА ПРИ ИЗМЕРЕНИЯХ
В ОПТИЧЕСКИ НЕОДНОРОДНОЙ СРЕДЕ**

**01.04.11 – Лазерная физика
(физико-математические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.1PhD/FM93

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (fti.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Вильданов Рамиль Рифгатович,
кандидат физико-математических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Усманов Тимурбек Бекмурадович
доктор физико-математических наук, академик

Семенов Денис Иванович
доктор физико-математических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский государственный технический университет

Защита состоится «_____» _____ 2018 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 при Физико-техническом институте по адресу: 100084, г.Ташкент, ул. Бодомзор йули, 26. Тел./Факс: (+99871) 235-42-91, e-mail: info.fti@uzsci.net.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Физико-технического института (зарегистрирована за № _____), по адресу: 100084, г.Ташкент, ул. Бодомзор йули, 26. Тел./Факс: (+99871) 235-30-41.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2017 г.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2017 г.)

С.А.Бахрамов,
Председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, д.ф.-м.н., академик

А.В. Каримов,
Учёный секретарь Научного совета по присуждению
учёных степеней, д.ф.-м.н., профессор

С.С. Курбанов,
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению учёных степеней, д.ф.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире в активно развивающейся области лазерной физики особой задачей выступает высокоразрешающая оптическая диагностика и дистанционное зондирование в условиях оптически неоднородных сред. В этом аспекте методы лазерного гетеродинамирования и корреляционной обработки являются эффективным научным инструментом, позволяющим определять как физические параметры этих сред, так и характеристики зондируемых объектов.

На сегодняшний день в мире основанные на этих методах лазерные системы применяются в деформографии, спектрометрии светового рассеяния, микроструктурных исследованиях, в оптике атмосферы, сейсмометрии, химии, биологии, медицине и др. В связи с этим целевые исследования в таких направлениях, как развитие методологии фазометрических и корреляционных измерений на основе лазерного гетеродинамирования; разработка измерительных систем с синхронизированными по частоте лазерами и фотон-корреляционной спектрометрии; расчёт эффективности детектирования в зависимости от условий измерений оптических параметров турбулентной атмосферы и дисперсных сред являются одними из важных задач.

В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан особое внимание уделяется вопросам стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, создания эффективных механизмов прикладного применения достижений научно-инновационной деятельности. В частности, большое внимание уделяется вопросам внедрения перспективных технологий в отрасли науки и техники. Особо следует отметить, что данная деятельность осуществляется в рамках объявленного «Года поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий», нацеленного на получение научных результатов, отвечающих современным требованиям. В этом плане разработка новых принципов построения диагностических систем, а также методов фазочувствительных и спектрометрических измерений с достижением потенциально возможных максимальных характеристик, которые могут эффективно применяться для широкого класса диагностических и локационных задач – от мониторинга окружающей среды до оптической передачи информации, имеет актуальное значение.

Данная научно-исследовательская работа в определённой степени соответствует задачам, предусмотренным в Указе Президента РУз № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07 февраля 2017, в Постановлениях Президента РУз за № ПП-916 «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство» от 15 июля 2008 года, за № ПП-1442 «О приоритетах развития промышленности Республики Узбекистан в 2011-2015 годах» от 15 декабря 2010 года, за № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля

2017 года, а также других нормативно-правовых документах принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данные исследования выполнены в соответствии с Государственными научно-техническими программами исследований в Республики Узбекистан:

ГНТП-13—создание наукоёмких технологий, приборов, оборудования, эталонных средств и методов измерений, анализа и контроля, вопросы метрологии, стандартизации и сертификации в отраслях экономики республики;

НТП-15—создание наукоёмких высокопроизводительных, конкурентоспособных и экспортоориентированных технологий, машин и оборудования, приборов, эталонных средств, методов измерений и контроля для отраслей экономики республики;

ППИ-3—энергетика, энерго-ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение: развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения и мехатроники.

Степень изученности проблемы. Практика экспериментальных исследований показывает, что функциональные возможности методов лазерного гетеродинамирования позволяют реализовать большое разнообразие фазометрических и спектрометрических измерений в физических исследованиях. Теоретическое обоснование этих методов выполнялись следующими учёными – А.Т.Forrester, Н.З.Cummins, D.P.Dave, В.В.Протопопов. Разработкой лазерных гетеродинамических систем занимаются ведущие научные институты с участием ученых – С.Н.Багаев, В.А.Орлов, К.Ishii, В.Wang, М.Н.Дубров. Используя эту методологию, оптические параметры турбулентной атмосферы теоретически и экспериментально исследовали В.Е.Зуев, В.А.Банах, В.В.Покасов, Р.А.Казарян. Развитие принципов спектроскопии оптического смешения представлено в работах W.Demtröder, E.Jakeman, E.R.Pike, B.Chu, А.В.Ломакин, где в сочетании с корреляционной обработкой сигналов предоставлены качественно новые возможности по достижению сверхвысоких спектральных разрешений.

